

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ОЙДИННИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Тошкент – 2006 й

0

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ОЙДИННИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

*Ойдин (Манзура Собирова) таваллудининг
100 йиллиги муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2006

78.342

О 39

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи

Мухаррир

Масъул муҳаррир

Матн терувчи

М. Матмурадова

Ҳ.Маматраимова

О.Қиличбоев

З.Жалилова

Ойдиннинг ойдин йўли: Ойдин (Манзура Собирова) таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан: *Метод.-библиогр. қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмуродова; Мухаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти.-2006.- 20 б.*

КБК 78.342+83.3(5 Ў) 6-8

Биринчи ўзбек адибаси, таланти ҳикоянавис, драматург Ойдин (Манзура Собирова) таваллудининг 100 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма адиба ижодини, меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

© **Алишер Навоий** номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2006 й.

МУҚАДДИМА

*Ўтганларни эслаш – халқимизнинг энг
эзгу одатларидан бири. Бугунги замоннинг
баҳосини бериш учун, авваламбор, кечаги кунга
ўтмишга нисбатан қандай муносабатда
эканимизга баҳо бериш керак.*

И.Каримов

Машҳур адиба Ойдин ўз мактабининг ноёб дурдона қалб эгаси. Адиба бу дунёда ўзига хос ижод қасрини яратган.

Биринчи ўзбек адибаси, таланти ҳикоянавис Ойдин ижоди ўзбек адабиётининг тараққий этишида муҳим ўрин тутди.

Ойдин ўзининг ажойиб ҳикоялари, новеллалари, шеър ва публицистик мақолалари билан ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган йирик сўз санъаткорлари қаторида туради. Айниқса, кичик прозамиз юксалишида унинг хизматлари беқиёс каттадир.

Ойдин ўзбек адабиётида хотин-қизлар озодлигининг илк оташин куйчи адибаси сифатида майдонга чиқди. Унинг мазмунли, ҳаяжонли воқеаларга бой ҳаёт йўли мисолида ўзбек аёлларининг шу даврдаги машаққатли ҳаёт йўлидан кейинги ёрқин ҳаёти, уларнинг гўзал маданий ва маънавий турмуш тимсолини кўриш мумкин.

Ойдин адабиётга кириб келиши биланоқ ўзбек хотин-қизлари бахтининг куйчиси бўлиб танилди ва шундай бўлиб қолди.

Ойдиннинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни ҳақида гап кетганда шеърлар, ҳикоялар, новеллалар, публицистик мақолалар яратган машҳур адиба сифатида бой ва мазмунли асарлар яратганини таъкидлаш зарур.

У айна пайтда жамоат ва давлат арбоби сифатида ҳам маданиятимиз ривожига ўзининг салмоқли улушини қўшди.

У яратган асарлар ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказлари каталог ва картотекаларида ўз аксини топган.

2006 йил 20 ноябрда адибанинг таваллудига 100 йил тўлади. Ўзбек халқи бу санани нишонлайди.

Республика ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказларининг вазифаси китобхонлар диққатини Ойдин ижодига жалб қилиш ва унинг ижодини тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказлари адабиётлар тарғиботининг савол-жавоб кечалари, учрашув кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мунозара ва мавзули кечалари, хотира соати, китоб кўргазмаси, асарларнинг обзори сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказларига филологлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, журналистлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказларига “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Олтин мерос” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, ёзувчилар, шоир ва шоиралар, адабиётшунослар, хотин-қизлар кўмиталари, журналистлар билан ҳамкорликда оммавий тадбирларни ташкил этишлари ва ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказларида адибанинг 100 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда кутуб-

хоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

Ойдин (Манзура Собирова) ҳаёти ва фаолияти
(1906-1953)

*Ойдин жуда қисқа, атиги 47 йил
умр кўрди, бироқ ўз номини одамлар
қалбига ёзиб кетди.*

С.Мамажонов

Ўзбек хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан биринчи ўзбек адибаси Ойдин – Манзура Собирова 1906 йил 20 ноябрда Тошкентнинг эски шаҳардаги дегрез маҳалласида хунарманд оиласида дунёга келди.

Ойдин – Манзура Собирова қатор қийинчиликларни ўз бошидан кечирди ва ёшлик чоғидаёқ онасидан жудо бўлади.

У олдин эски мактабда 1918 йилдан янги мактабда ўқиб саводини чиқарган.

Ойдин – Манзура Собирова 1919 йилда Тошкент хотин-қизлар билим юрти (Инпрос) га ўқишга киради ва уни 1923 йилда муваффақиятли тамомлайди.

Ойдин Тошкентнинг Тахтапул маҳалласидаги бошланғич мактабда ўқитувчилик қилади.

Дарҳақиқат, Ойдин 1924-1931 йилларда ижодий ёшлик, изланиш ва ўрганиш даврини ўз бошидан кечиради, ҳаётда учраган қийинчиликларга қарамай, кўпроқ ўқиш ва ўрганишга интилади.

Ойдин – Манзура Собирова 1924 йилдан ижод қила бошлади. Даврига мос мавзуларда шеърлар ва “Янгиликка қадам” драмасини ёзиб, умидли шоира, драматург сифатида адабий жамоатчиликнинг эътиборини қозонди. Унинг

хотин-қизларни озодликка чақирувчи «Янгиликка қадам» номли биринчи пьесаси 1925 йилда босилиб чиқади.

У 1927-1933 йиллари Самарқанддаги Педагогика академияси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети)га ўқишга кириб тамомлайди. Ўқиб юрган пайтларида Ҳамид Олимжон, Уйғун билан яқиндан танишуви Ойдин ижодида катта ўрин эгаллайди.

Ойдин адабиётга шеърят орқали кириб келди. Унинг “Тонг кўшиғи” (1931), “Чечан кўллар” (1932), “Ойдин шеърлари” (1937) каби шеърый тўпламлари эълон қилинган.

Шунингдек, Ойдин “Майса узилди” (1931), “Машина кучоғида” (1932), “Кўприк устида” (1933), “Бу кеча” (1933) каби поэмалар ҳам ёзди.

Адиба 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳикоя жанрида ижод эта бошлайди.

Ойдиннинг дастлабки “Эслаш ёки виговор” (1938) номли дастлабки ҳикоясида озод меҳнатнинг янги инсонни тарбиялаб етиштиришдаги роли, меҳнат жараёнида ўзбек хотин-қизлари онгида рўй берган ўзгаришлар ифодаланган. Унинг «Чақалоққа чакмонча», “Ширин-шакар”, “Уялди шекилли, ерга қаради”, “Садағанг бўлай, командир” ҳикояларида янгича оила, севги-муҳаббат, садоқат акс эттирилган.

Адибанинг ўтмишга бағишланган “Ямоқчи кўчди”, “Ҳазил эмиш”, “Гулсанам” асарларида ўзбек халқининг оғир ҳаёти, эскилик урф-одатларга қарши кураши чуқур нафрат билан тасвирланган.

Ойдиннинг Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги тинч қурилиш йилларида ижод этган “Қизларжон” (1943), “Ширин келди” (1944), “Мардлик мангулик” (1947), “Ҳикоя ва очерклар” (1952), “Ҳикоялар” (1954) каби тўпламларида замонамиз кишисининг ватанпарварлиги, қаҳрамонлик фазилатлари, фронт ва мамлакат ичкарасидаги жонбозликлари, тинч яшаш давридаги меҳнати ўз ифодасини топган.

Адиба очерк жанрида ҳам ижод қилди. Унинг 30-йилларда ёзган “Шароф иши”, “Бир кўрган билиш, икки кўрган таниш”, “Эл қувончи”, “Қора уйлар оқарди”, “Эл оғзида эртак”, “Кичкина кўлда катта унум”, “Муборак”, “Одамнинг кўли гул”, “Ёқут нурлар шу кўлда” каби очеркларида Ватан мадҳи, меҳнати туфайли бахтга эришган аёллар образлари зўр муҳаббат билан тасвирланган.

“Ҳалима саҳнанинг гули”, “Ширин тилнинг ширин қилиғи” очеркларида ўзбек санъаткорларининг образини яратган.

Ойдин очеркчилик маҳоратини эгаллаш устида тинмай жиддий иш олиб борди. Натижада, у 30-йилларнинг охирларида талантлив очеркнавис сифатида ҳам танилди.

Ойдин “Эртарғин”, “Ўзбек саҳнасида”, “Ўз устида ишлаш - ўсиш гарови”, “Поэзия тўғрисида”, “Ютуқлар яна мустаҳкамлансин”, “Яна ёшларимиз ҳақида”, “Халқнинг севган шоири” сингари илмий-танқидий мақолалар ҳам ёзган.

Ойдин – Манзура Собирова ижод билан биргаликда Ўздавнашрда бўлим бошлиғи (1931), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1932-1937), “Ёрқин хаёт” журналининг муҳаррир ўринбосари (1938-1941), Ўзбекистон Радио қўмитасида адабий эшиттиришлар бўлими масъул муҳаррири (1946-1953), “Ўзбекистон хотин-қизлари” ҳозирги “Саодат” журналининг бош муҳаррири лавозимларида ҳалол меҳнат қилган. У ўз меҳнат фаолияти давомида жамоат ишини доимо ижодий иш билан қўшиб олиб борди.

Адиба ўзининг “Гулсанам” ҳикояси орқали зулм ва адолатсизликка қарши бош кўтарган, ўз душманининг устидан маънавий ғолиб чиққан меҳнаткаш ўзбек қизининг образини яратди. Хива хонининг маишати учун ўз ота-онасининг бағридан зўрлаб олиб кетилган ва севгилисидан жудо бўлган Гулсанам ҳар қандай зулм-жазога рози бўлади-ю, зиндонда азобланади-ю, бироқ хоннинг разил ниятига

кўнмайди, у билан халқ эртақларидаги жасур қизлардек олишади. Гулсанамни енга олмаган хон уни қайнаб турган қозонга тириклай ташлатиб куйдиртириб, алаמידан чиқади. Гулсанамнинг севгилиси Отажон эса хонга қарши кўзғолон кўтаришга аҳд қилган йигитлар сафига қўшилиб кетади.

Ойдин ҳикояда икки ёшнинг мусаффо ва оташин севгисини ғоят кўтаринкилик билан тасвирлайди. Бу билан адиба Гулсанам характеридаги исёнкорлик фазилатини мантикий асослаб беради. Гулсанам Отажонни юрак-юрагидан севади, ўзини фақат у билан тирик деб ҳис қилади.

Адиба “Гулсанам” ҳикоясида муҳаббатнинг туғилиш романтикасини теранлик билан ифодалаб берган.

Ойдин асарларининг асл моҳиятини бадиий адабиётнинг азалий муаммоси бўлган яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ташкил этади.

Дарҳақиқат, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у собиқ Бутуниттифоқ Ёзувчиларининг Биринчи съезида (1934) аёллар ичида биринчи ўзбек адибаси сифатида иштирок этган.

Шунингдек, у 1946 йилдан то бевақт вафотига қадар собиқ Ўзбекистон Марказий Комитетининг масъул ходими лавозимида ҳам ишлаган.

Ойдин адабиёт ва санъат ҳамда партия ва давлат олдидаги хизматлари учун икки марта Ҳурмат белгиси ордени билан, шунингдек, бир неча медаль ва Фахрий Ёрликлар билан тақдирланди.

Ойдин ижоди ва жамоатчилик фаолияти энг гуллаган бир вақтда, 1953 йил 30 майда бевақт вафот этди.

Тошкент шаҳри кўчаларидан бирига Ойдин номи берилган.

Ойдин (Манзура Собирова) хақида

Ойдин биринчи ўзбек адабаси, янги замон ҳикоячилигига асос солувчилардан эди. Шунинг учун ҳам унинг адабий тажрибасига тарихан назар ташламоқ ва қалбларимизда уйғонган олижаноб инсоний туйғулар овозига юракдан миннатдор бўлмоқ, ижодкорлик жасорати қаршисида бош эгмоқ лозим.

И.Ғофуров

Ойдин асарларининг таврбиявий-эстетик аҳамияти катта. Бинобарин, улар бундан кейин ҳам халқимиз томонидан севиб ўқила беради. Асарларининг замонавийлиги ва адабанинг мангу барҳаётлиги ҳам ана шунда.

С.Мирзаев

Ўзувчи Ойдин аслида менинг холам, янада тўғривоғи онам бўладилар. Бу гапимнинг маъноси шуки, мен Ойдиннинг туғишган опалари Замирахонимнинг қизлариман. Менинг исмимни ҳам Ойдин опа қўйган эканлар. «Мунир дегани-аланга дегани, оловдек иссиқ, истаралик қиз бўлсин, исмини Мунира қўйинг» деган эканлар.

М.Абдушукурова

Биз уни Ойдин опа деб атар эдик. Ҳатто ёши каттароқ адаблар ҳам унга эҳтиром билан «Ойдин опа» деб мурожсаат қилишарди.

Мирмуҳсин

Лутфихонимни - ая деганимиздек, адабиётимизда ўз муносиб битта опа бор эди – у ҳам бўлса Ойдин опа эди.

* * *

Севимли адибамиз Ойдин она биринчилардан бўлиб, йигирманчи йилларда қўлига қалам олиб матбуотда ишлаган ўзбек қизи эди.

Маннон Уйгур

Ойдиннинг асарлари қайси жанрда ёзилган бўлишдан қатъий назар, улар ўзбек аёллари бахтининг мазмундир.

О.Тоғаев

Зульфия ҳамда Ойдин оналар биз ёшларга меҳрибон эдилар. Улардан биз бутун умримизга етгулик фазилатлар, инсонийлик, сабр-қаноат сабоғини олганмиз.

Х.Ахророва

«Адиба Ойдин ҳаёти ва ижодий фаолиятини биласизми?» мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Беллашувнинг мақсади китобхонларни Ойдин (Манзура Собирова) ижоди билан таништириб, адиба яратган асарларни ўқиш, ижоди, таржимаи ҳоли, у ҳақидаги асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашувни ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, ишчилар, журналистлар, киритилиши мумкин. Ҳар бир гуруҳ 8 ёки 10 нафар китобхонлардан ташкил топади.

Беллашув ташкилотчилари саволларни тузиб чиқади-лар. Сўнгра шу саволлар ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Бериладиган саволларга доир адабиётлар ва вақтли матбуотларда босилган манбалар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини муаллифнинг алоҳида нашрларига, у ҳақидаги асарларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган жойда Ойдин (Манзура Собирова) ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Ойдиннинг илк шеърий тўпламларидан қайсиларни биласиз?

(Ойдиннинг “Тонг кўшиғи” (1931), “Чечан қўллар” (1932), “Ойдин шеърлари” (1937) каби шеърий тўпламлари нашр қилинган).

2. Ойдиннинг қандай ҳикояларини биласиз?

(Ойдиннинг “Эслаш ёки виговор”, “Чақалокқа чакмонча”, “Ширин-шакар”, “Уялди шекилли, ерга қаради”, “Садағанг бўлай, командир”, “Ямоқчи кўчди”, “Ҳазил эмиш”, “Гулсанам” ва бошқалар).

3. Адибанинг уруш ва ундан кейинги йилларда яратган асарларидан қайсиларини биласиз?

(Ойдиннинг уруш ва ундан кейинги тинч қурилиш йилларида ижод этган “Қизлархон” (1943), “Мардлик-мангулик” (1947), “Ҳикоя ва очерклар” (1952), “Ҳикоялар” (1954) каби тўпламларида замонамиз кишисининг ватанпарварлиги, қахрамонлик фазилатлари, фронт ва мамлакат ичкарисидаги жонбозликлари, тинч яшаш давридаги меҳнати ўз ифодасини топган).

4. Адибанинг биринчи пьесаси қачон босилиб чиққан?

(Адибанинг биринчи “Янгиликка қадам” номли пьесаси 1925 йилда босилиб чиққан).

5. Ойдин қайси журнални ташкил қилган?

(Ойдин “Ўзбекистон хотин-қизлари” ҳозирги “Саодат” журналини ташкил қилган ва биринчи муҳаррири бўлган).

6. У қайси очеркларида ўз замондош, фидойи ўзбек аёллари образини яратган?

(Унинг “Чўллари обод, қўллари озод бўлган элда”, “Эл қувончи”, “Менинг қаҳрамоним”, “Ватан учун жон фидо” каби очеркларида замондош, фидойи ўзбек аёллари образи яратилган).

7. Келтирилган парча адибанинг қайси ҳикоясидан олинган?

Нусрат хола депо олдиға борганида қаёққа борарини, кимга учрарини ўйладими, тўхтаб қолди. Дарвозадан бирикки мўралаб ичкарига қаради. Ҳамма ёқ ёруғ, электр чироқ нурлари остида одамлар кундузгидек ишлашар эди.

- *Умрингдан барака топкурлар, кимдан сўрасам бўларкин?*

(Адибанинг “Эр юрак” ҳикоясидан олинган).

8. Ушбу келтирилган парча Ойдиннинг қайси очеркидан олинган?

- *Мен хотин-қизлар орасида ўзимни қандай эркин сезсам, эркаклар орасида ҳам шундай сезаман. Хотинларга дўстона софдиллик билан қараганим каби эркакларга ҳам шундай қарайман. Қанча ўйнаб-кулай, лекин эримга ҳеч қачон хиёнат қилмайман.*

(Ойдиннинг “Икки кўзи шунда” ҳикоясидан олинган).

9. Ушбу келтирилган парча адибанинг қайси ҳикоясидан олинган?

“Юрак қурсун: баъзан одамнинг ихтиёрини ўғирлайди. Агар жоловини тортиб турмасангиз девона қилиб юборади. Мен ҳам безовта бўлиб қолдим. Ўзиям... қурмагур жуда ажойиб, келишган йигит экан-да. Одам ҳам шунақа иссиқ оловдек бўладими!”

(Адибанинг “Садағанг бўлай, командир” хикоясидан олинган).

10. Қуйида келтирилган парча қайси асардан олинган?

Манзура ёстиқдан бошини узмай, ёш тўла кўзлари билан ойга термулди. Ана, ой булутдан чиқди. Нурли, мағрур оқмоқда... Майда булутлар яна унинг юзини ёпмоқчи бўлди, ёполмади. Ой яна ҳам ярқираб кетди. Манзуранинг дили ёришиб, хаёли ой кетидан оқди. Кўксини янги туйғулар тўлқинлатди, завққа тўлиб ойни кузатди.

(Зулфиянинг “Ойдин Собирова” ҳақидаги очеркидан олинган).

11. Келтирилган ушбу парча адибанинг қайси очеркидан олинган?

-Қани, бу ёққа!-деб қолди биттаси. Қайрилиб товуш келган томонга қарадик. Узун бўйли, бугдой рангли, қора қош, қора кўз бир йигитнинг қувноқ чеҳра билан биз томонга келаётганини кўрдик. Уялганимиздан бир-биримизни туртиб ҳам олдик. Тўғриси, севиниб кетдик.

(Ойдиннинг “Ширинга мактуб” очеркидан олинган).

12. Ушбу келтирилган парча адибанинг қайси шеърідан олинган?

*- Ҳовучимга сув тўлдириб,
Япроқ териб ўйнайман.
Қизил гуллар яшнаган чоқ,
Чаманларни бўйласам.*

* * *

*Йўқ, кетайин тезроқ ишга,
Дўстлар кутиб қолмасин!
-Келар,-дея термилишиб,
Кўзлари ҳам толмасин.*

(Ойдиннинг “Табригим сизга!” шеърідан олинган).

13. Қуйида келтирилган парча адибанинг қайси хикоясидан олинган?

-Келаверинг, пошшахон, ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқ.

Қиз турган жойидан қўзғалмади. Хон қаддини қўтариб, яна бир-икки сўз қотди. Бу ҳам жавобсиз қолиб, уйнинг бурчақларига сингиб кетди.

-Расми, куёвлар қизни аравадан қўтариб туширар эди, сиз ҳам шуни қўмсаяпсизми?-Хон ўрнидан туриб, аста-секин қизга яқинлашди.-Саломингиз қани, пошшам?

(Ойдиннинг “Гулсанам” ҳикоясидан олинган).

14. Ушбу шеърий парча адибанинг қайси асарига келтирилган?

*Отам билан онам етди бошим,
Раҳм айламас кўздан оққан ёшим.
Қоми-қариндошим келгай қошим,
Энди менинг бори-йўгим гумона.*

(Ойдиннинг “Гулсанам” ҳикоясида ушбу шеърий парча бор).

15. Ушбу келтирилган парча Ойдин ҳақида ёзилган қайси асардан олинган?

Умуман, олганда, Ойдиннинг ёзувчилик маҳорати адибанинг ҳаётни ўрганиш ва тема танлашдан бошланиб, у ўз ичига форма ва мазмун компонентларининг барчасини қамраб олади. Бинобарин, Ойдин сюжет ва композиция тўқшида ҳам, ҳаракат ва пейзаж чизишида ҳам, персонажлар нутқини индивидуаллаштириши ва халқ тилидан фойдаланишида ҳам ўз маҳоратини намоён қила олди.

(С.Мирзаевнинг “Ойдин” (Адабий портрет) рисоласидан олинган).

16. Ушбу келтирилган парча Ойдин ҳақида ёзилган қайси асардан олинган?

-Ойдин пейзаж чизишга ҳам моҳир. Ёзувчи ҳикояларида чизилган табиат манзараларининг кўпчилиги кўзга тез илинадиган, хотирада узоқ сақланадиган даражада ёрқин ва аниқ, ихчам ва сиқик. Шу билан бирга, улар асарда тасвирланаётган қаҳрамоннинг ҳолатини,

ҳодиса-воқеаларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

(С.Мирзаевнинг “Ойдин” (Адабий портрет) рисоласидан олинган).

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар ва адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

«Аёл бахти куйчиси» номли китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси ахборот-кутубхона марказида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма куйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Ойдин биографиясининг саҳифалари

Ойдин опа қалби биллурий пок ва ниҳоятда камтар инсон эди. Буни замондош адиблар яхши билишади.

Мирмуҳсин

Бу бўлимга Ойдиннинг таржимаи ҳоли берилган нашрлар қўйилади.

2. Моҳир ҳикоянавис

Ойдиннинг етук ҳикоянавис бўлиб етишиши осонликча бўлмади. У жиддий қийинчиликларни енгиши, қунт билан ўқиши-ўрганиши йўлидан бориб ижодий камолот босқичига кўтарилди.

С.Мирзаев

Бу бўлимга Ойдиннинг ҳикоялар тўпламлари, алоҳида нашр этилган ҳикоялари ва вақтли матбуотларда чоп этилган ҳикоялари қўйилади.

3. Танилган ва севилган ёзувчи

Ойдиннинг асарлари қайси жанрда ёзилган бўлишидан қатъий назар, улар ўзбек аёллари бахтининг мазмунидир.

О.Тогаев

Бу бўлимга Ойдиннинг шеърий тўпламлари, очерклари, публицистик мақолалари ва у ҳақида ёзилган асарлар ва мақолалар қўйилади.

Ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Савол-жавоб кечаси

1. “Ойдин (Манзура Собирова)ни биласизми?”
2. “Ойдин (Манзура Собирова) ким?”
3. “Ойдиннинг яратган ҳикояларини биласизми?”

каби мавзуларда.

“Моҳир ҳикоянавис”, “Ойдин ижод йўлига бир назар” каби мавзуларда китоб кўرғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Биринчи ўзбек адибаси ҳаётини биласизми?”
2. “Аёл бахтининг куйчисини биласизми?”

каби мавзуларда.

“Талантли адиба”, “Моҳир журналист” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

Асарларини нашрга тайёрлаганлар ва у ҳақида асар, илмий мақолалар ёзган, ҳамда у ташкил этган “Саодат” журнали жамоаси билан

1. Ҳалима Худойбердиева
2. Ойдин Ҳожиева
3. Мунира Абдушукурова ва бошқалар.

“Ойдин камтарин адиба”, “Ойдин ёзувчи ва драматург” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Хотира ва қадрлаш соати

1. “Умри боқий адиба”.
2. “Рухлари шод бўлсин”.
3. “Яхшилик куйчиси эди» каби мавзуларда.

“Ўчмас номинг юртда”, “Маънавиятимиз сарчашмаси”, “Мангуликка дахлдор” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Қатнашувчилар: жойлардаги “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, “Маҳалла”, “Нуроний”, “Соғлом авлод учун”, “Олтин мерос” жамғармалари вакиллари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмитаси, тилшунослар, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, ёзувчилар уюшмасининг вакиллари ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2006 й. 20 июнь //Халқ сўзи.-2006.-21 июнь.

Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди.-Т.: Ўзбекистон, 1992.-31 б.

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1992.-78 б.

* * *

Ойдин. Чақалоққа чакмонча: Ҳикоялар.-Т.: Ўздавнашр, 1939.-88 б.

Ойдин: Қизлархон: Ҳикоя ва очерклар.-Т.: Ўздавнашр, 1943.-47 б.

Ойдин: Ширин келди. Ҳикоя ва очерклар.-Т.: Ўздавнашр, 1944.-39 б.

Ойдин. Мардлик-мангулик: Ҳикоя, очерклар.-Т.: Ўздавнашр, 1947.-108 б.

Ойдин. Ямоқчи кўчди: Болалар учун ҳикоялар.-Т.: Қизил Ўзбекистон ва Правда Востока бирлашган нашриёти, 1949.-32 б.

Ойдин. Садағанг бўлай командир: Ҳикоя.-Т.: Қизил Ўзбекистон ва Правда Востока бирлашган нашриёти, 1950.-24 б.

Ойдин. Ҳикоялар.-Т.: Ўздавнашр, 1954.-194 б.

Ойдин. Кўнгил тўлдими, яхши йигит: Ҳикоялар.-Т., 1961.-66 б.

Ойдин. Ҳикоялар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1967.-227 б.

Ойдин. Ширинга мактуб: Ҳикоялар, очерклар, шеърлар, пьеса ва мақолалар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1975.-271 б.

Ойдин. Гулсанам: Ҳикоялар, шеърлар, пьеса ва очерклар /Тўплаб нашрга тайёрловчи М.Абдушукурова.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1985.-327 б.

* * *

Ойдин. Ямоқчи кўчди: [Ҳикоя] //Саодат.- 1974.-№6.-Б.19-21.

Ойдин. Машраб: [Шеър] // Халқ сўзи.-1992.-22 май.

Ойдин. Салқин чинорларнинг салтанатида...; Юлдузлар юртига қамар бўлайин...: [Шеърлар] // Шарқ юлдузи.- 1995.-№ 1-2.-Б.123-124.

Собирова Ойдин. Кўнгил тўлдими, яхши йигит: [Ҳикоя] //Саодат.-1998.-№8.-Б.12-15.

* * *

Владимилова Н. Ойдин ижоди. Танқидий-биографик очерк. - Т.: Ўзфанакаднашр, 1954.-40 б.

Зулфия. Ойдин Собирова: Очерк.-Т.: Ўздавнашр, 1953.-28 б.

Мирзаев С. Ойдин: Адабий портрет.-Т.: Тошкент, 1965.-19 б.

Ойдин //Мирвалиев С. Ўзбек адиблари: (Ихчам адабий портретлар).-Т.: Фан, 1993.-Б.54-56.

Ойдин //Мирвалиев С. Ўзбек адиблари: (XX аср ўзбек адабиёти).-Т.: Ёзувчи, 2000.-Б.54-55.

Ойдин //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. Мирий-Пархши /Таҳрир хайъати: А.Абдувоҳитов А.Азизхўжаев, М.Алимов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003.-Б.477.

* * *

Абдушукурова М. Менинг сеvimли онам //Саодат.- 1986.-№11.-Б.4.

Ахророва Ҳ. Унутилмас сабоқлар: [Атоқли адиба Ойдин Собировани эслаб] // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-26 май.

Мамажоновна С. Янгилик шайдоси эди //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1996.-24 май.

Мирзаев С. Тўнғич адиба //Гулистон.-1996.-№4.-Б.20-21.

Мирмуҳсин. Биринчилардан эди: Машхур адиба Ойдин //Шарқ юлдузи.-1984.-№8.-Б.16-17.

Музайяна Алавия. Самимий ҳозиржавоб дўст //Саодат.-1986.-№11.-Б.3.

Раҳимбоева Қ. Ўтилган йўл-тарих //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1996.-24 май.

Тоғаев О. Аёл бахти куйчиси //Шарқ юлдузи.-1982.-№12.-Б.185-189.

Ғафуров И. Бахтли замон адибаси //Гулистон.-1976.-№11.-Б.14.

Босишга рухсат этилди 2006 йил “___”Сентябрь
Бичими 60x84 ¹/₁₆ нашр. т.1.25 Адади 300 нусха.
Буюртма №

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди